УДК: 37.047:004.9

МАКТАБЛАР ВА КАСБИЙ ТАЪЛИМ АГЕНТЛИК ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЭЛЕКТРОН ПОРТФОЛИО МЕХАНИЗМИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Абдазов Султонбек
Низомий номидаги Ўзбекистон миллий
педагогика университети мустақил тадқиқотчиси (PhD)
E-mail: Sultonbekuwed@gmail.com
ORCID iD: 0009-0008-4080-7286
https://doi.org/10.5281/zenodo.23183600

Аннотация. Тезисда умумий ўрта таълим мактаблари ва Касбий таълим агентлиги ўртасидаги ҳамкорликнинг электрон портфолио механизми ишлаб чиқилган. Электрон портфолио ўқувчининг 7-синфдан 9-синфгача бўлган касбий ривожланиши тўғрисидаги барча маълумотларни тизимли тўплаш, сақлаш ва Агентликка узатиш имконини беради. Тадқиқотда ISO-21001 стандартининг “ўзаро манфаатли ҳамкорлик” ва “жараёнли ёндашув” тамойилларига асосланилган. Тажриба-синов ишлари 6 та мактабда, 384 нафар респондент иштирокида ўтказилиб, тажриба гуруҳида электрон портфолио тўлиқ юритилди (100%), назорат гуруҳида эса тизимсиз юритилди (38%). Натижалар электрон портфолио механизмининг амалий самарадорлигини тасдиқлади ($p<0,05$).

Калит сўзлар: электрон портфолио, мактаб-Агентлик ҳамкорлиги, ISO-21001, рақамли таълим, касбга йўналтириш, ўқувчи портфолиоси, маълумотлар базаси, 9-синф ўқувчилари.

МЕХАНИЗМ ЭЛЕКТРОННОГО ПОРТФОЛИО СОТРУДНИЧЕСТВА ШКОЛА-АГЕНТСТВО: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Аннотация. В тезисе разработан механизм электронного портфолио сотрудничества между общеобразовательными школами и Агентством профессионального образования. Электронное портфолио позволяет системно собирать, хранить и передавать в Агентство все данные о профессиональном развитии учащегося с 7 по 9 класс. Исследование основано на принципах «взаимовыгодного сотрудничества» и «процессного подхода» стандарта ISO-21001. Экспериментальная работа проводилась в 6 школах с участием 384 респондентов: в экспериментальной группе электронное портфолио велось в полном объёме (100%), в контрольной группе - бессистемно (38%). Результаты подтвердили практическую эффективность механизма электронного портфолио ($p<0,05$).

Ключевые слова: электронное портфолио, сотрудничество школа-Агентство, ISO-21001, цифровое образование, профориентация, портфолио учащегося, база данных, учащиеся 9 классов.

ELECTRONIC PORTFOLIO MECHANISM OF SCHOOL-AGENCY COOPERATION: THEORY AND PRACTICE

Abstract. The thesis develops an electronic portfolio mechanism for cooperation between secondary schools and the Vocational Education Agency. The electronic portfolio enables the systematic collection, storage, and transfer to the Agency of all data on a student’s career development from grades 7 to 9. The study is based on the principles of “mutually beneficial cooperation” and “process approach” of the ISO-21001 standard. The experimental work was conducted in 6 schools with the participation of 384 respondents: in the experimental group, the

electronic portfolio was maintained in full (100%), while in the control group it was maintained unsystematically (38%). The results confirmed the practical effectiveness of the electronic portfolio mechanism ($p<0.05$).

Keywords: electronic portfolio, school-Agency cooperation, ISO-21001, digital education, career guidance, student portfolio, database, grades 9 students.

Кириш. Замонавий таълим тизимида рақамли технологияларнинг жадал кириб келиши касбга йўналтириш жараёнини ҳам рақамлаштиришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 23 октябрдаги ПФ-190-сон Фармони билан Касбий таълим агентлиги ташкил этилиб, мактаб (касбга йўналтиради) ва Агентлик (касбга ўқитади) ўртасидаги ваколатлар аниқ чегараланди [1, 2]. Бироқ, икки ташкилот ўртасидаги ахборот алмашинуви механизми - электрон портфолио тизими етарлича ишлаб чиқилмаган.

Мавжуд илмий адабиётларда таълим менежментида ташкилотлараро ҳамкорлик назарияси кенг ёритилган бўлса-да [3, 4], функциялари ажратилган икки ташкилот ўртасида “мижоз” (ўқувчи)ни бир тизимдан иккинчисига ўтказувчи махсус рақамли механизм илмий жиҳатдан тадқиқ қилинмаган. ISO-21001 стандартининг “ўзаро манфаатли ҳамкорлик” ва “жараёнли ёндашув” тамойиллари [5] эса бу масалани ҳал этишда методологик асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқотнинг илмий муаммоси шундан иборатки, мактабда тўпланган тест натижалари, психолог хулосалари, касбий тавсиялар ва бошқа муҳим маълумотлар Агентликка тизимли равишда узатилмайди. Ҳар бир мактаб маълумотларни ўзича сақлайди (қоғоз папка, электрон жадвал, айрим ҳолларда умуман сақланмайди). Бу эса ўқувчининг касбий ривожланишини кузатишни имконсиз қилади.

Асосий қисм. Электрон портфолио мактаб ва Агентлик ўртасидаги ахборот алмашинувининг асосий воситаси бўлиб, у ўқувчининг 7-синфдан 9-синфгача бўлган касбий ривожланиши тўғрисидаги барча маълумотларни тизимли тўплаш, сақлаш ва узатиш имконини беради. Портфолио ягона электрон шаблон асосида юритилади.

1-жадвал. Электрон портфолио шаблонининг таркибий қисмлари

№	Бўлим номи	Мазмуни	Тўлдириш муддати	Масъул шахс
1	Шахсий маълумотлар	Ф.И.О., мактаб, синф, портфолио очилган сана	7-синф (сентябрь)	Синф раҳбари
2	7-синф диагностикаси	Холланд тести, “Мен ким бўлмоқчиман?” иншоси, психолог хулосаси	7-синф (ноябрь-декабрь)	Психолог
3	8-синф таништириши	Йовайши тести, “Касблар олами” тести, экскурсия ва учрашувлар натижалари	8-синф (декабрь-февраль)	Психолог, директор ўринбосари
4	9-синф қарор ва тавсия	“Касбий танловга тайёрлик” анкетаси, индивидуал маслаҳат тавсияномаси, ота-она суҳбати протоколи, “Мен танладим!” варақаси	9-синф (февраль-апрель)	Психолог, синф раҳбари
5	Якуний хулоса	Касбий профиль, тавсия этиладиган йўналиш (техникум/10-синф)	9-синф (май)	Психолог
6	Рефлексия	Ўқувчининг ўз касбий	Ҳар	Ўқувчи

		ривожланиши ҳақида фикрлари	босқич якунида	

Электрон портфолио 7-синфдан 9-синфгача босқичма-босқич тўлдириб борилади. Ҳар бир босқич якунида психолог портфолионинг тегишли бўлимини тўлдиради ва унинг тўлиқлигини текширади. 9-синф якунида портфолио тўлиқ шаклга келтирилиб, Агентликка узатишга тайёр ҳолатга келтирилади.

Тажриба-синов ишлари Ўзбекистоннинг учта ҳудуди - Тошкент шаҳри, Сирдарё ва Андижон вилоятларидаги 6 та мактабда, 384 нафар респондент иштирокида ўтказилди. Тажриба гуруҳида (М1, М3, М5) электрон портфолио тизими жорий этилди, назорат гуруҳида (М2, М4, М6) эса анъанавий тартиб сақланиб қолинди.

2-жадвал. Электрон портфолионинг тўлдирилиш даражаси

Босқич	Тажриба гуруҳи (тўлиқ)	Назорат гуруҳи (тўлиқ)
7-синф (диагностика)	60 (100%)	15 (25%)
8-синф (таништириш)	58 (97%)	12 (20%)
9-синф (қарор ва тавсия)	60 (100%)	10 (17%)
Якуний портфолио	60 (100%)	8 (13%)

Тажриба гуруҳида электрон портфолио тўлиқ юритилди (100%). Фақат 8-синф босқичида 2 нафар ўқувчининг портфолиоси қисман тўлдирилган (сабаб: ўқувчи узоқ муддат касал бўлган). Назорат гуруҳида эса портфолио тизимсиз юритилди - фақат 25% ўқувчининг портфолиоси мавжуд бўлиб, улар ҳам қоғоз шаклда ва тўлиқ эмас эди.

3-жадвал. Электрон портфолио механизмининг самарадорлиги

№	Кўрсаткич	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	Фарқ
1	Портфолио тўлиқлиги (%)	100%	25%	+75 %
2	Электрон шаклда юритиш (%)	100%	8%	+92 %
3	Маълумотларнинг тизимлилиги (%)	98%	22%	+76 %
4	Агентликка ўз вақтида узатиш (%)	100%	12%	+88 %
5	Психологлар қаноатланиши (%)	92%	35%	+57 %
6	Агентлик ходимлари қаноатланиши (%)	88%	30%	+58 %

Статистик верификация натижаларига кўра, барча кўрсаткичлар бўйича ҳисобланган t-ҳисоб қийматлари (6,53 дан 12,35 гача) танқидий қийматдан ($t_{танқидий}$ = 2,78, df=4, α=0,05) катта бўлиб, $p<0,05$ (аксариятида $p<0,001$) эканлиги аниқланди. Бу электрон портфолио механизмининг статистик аҳамиятли эканлигини кўрсатади.

Хулоса. Тадқиқот натижалари қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон берди. Илк бор мактаб ва Касбий таълим агентлиги ўртасидаги ҳамкорликнинг электрон портфолио механизми ишлаб чиқилди. Бу механизм ISO-21001 стандартининг “ўзаро манфаатли ҳамкорлик” ва “жараёнли ёндашув” тамойилларига асосланади. Тажриба гуруҳида электрон портфолио тўлиқ юритилди (100%), назорат гуруҳида эса тизимсиз юритилди (25%). Бу эса электрон портфолионинг амалий самарадорлигини кўрсатади. Барча кўрсаткичлар бўйича ҳисобланган t-ҳисоб қийматлари танқидий қийматдан катта бўлиб, $p<0,05$ (аксариятида $p<0,001$) эканлиги аниқланди. Барча умумий ўрта таълим мактабларида электрон портфолио тизимини жорий этиш; электрон портфолио платформасини яратиш ва уни барча мактаблар учун очиқ қилиш; психологлар ва

Агентлик ходимлари учун электрон портфолио юритиш бўйича махсус ўқув семинарлари ташкил этиш; портфолио маълумотларининг махфийлигини таъминлаш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Касбий таълим тизимида бошқарув самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2025 йил 23 октябрь, ПФ-190-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Касбий таълим тизимида ислоҳотларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2025 йил 23 октябрь, ПҚ-316-сон.
3. Hatch M.J. Organization Theory: Modern, Symbolic, and Postmodern Perspectives. - 3rd ed. - Oxford: Oxford University Press, 2018. - 408 p.
4. Daft R.L. Organization Theory and Design. - 12th ed. - Boston: Cengage Learning, 2016. - 688 p.
5. ISO 21001:2018. Educational organizations - Management systems for educational organizations - Requirements with guidance for use. - Geneva: ISO, 2018.